

ТИПОЛОГИЯ, ТАРЖИМА ВА ЧЕТ ТИЛ ТАЪЛИМИ

Мирзаев И.К., ф.ф.д., профессор (СамДУ)

I. Типологик тадқиқот масаласи. Таълим жараёнида қиёслашнинг роли нақадар муҳим эканлиги ҳаммага маълум. Бу чет тил таълими учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ерда талаба, масалан, физика ёки кимё фанидан фарқли ўлароқ, икки фан – она тили ва хорижий тил билан иш кўради. Шунинг учун у истаса-истамаса бу тилларни қиёслайди, улардаги умумий ва хусусий жиҳатларга эътибор беради. Бугина эмас, талаба тилнинг нима эканлигини, нима учун кераклигини, нимага хизмат қилишини ҳам билади. Бинобарин, унинг учун чет тилини ўрганиш она тили таълимидан маълум амалиётларни янги шаклларда бажаришдан иборат бўлади. Бу эса ундан лингводидактик билимларни, методик ижодкорликни, икки тил қонун-қоидаларини қиёслай олиш кўникмаларини талаб қилади.

Чех тилшуноси В.Скаличка типология тилшуносликнинг энг қадимги ва айни пайтда энг кам ўрганилган соҳаларидан биридир, деган гаплари [Скаличка 1963: 19] бугун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Чунки қиёсий типология масалалари рус ва жаҳон тилшунослигида қанчалик мўл ўрганилган бўлмасин, унинг натижалари амалиётда, хусусан, тиллар таълимида ўз ифодасини тўлиқ топганича йўқ. Бу, бир томондан, чет тил ўқитувчиларининг она тилини билиш даражаси юқори эмаслиги ва, иккинчи томондан, лингводидактик типологиянинг узил-кесил шаклланмагани билан боғлиқ.

Маълумки, қиёсий типология тилларнинг структур типларини ўрганади. Чунки ҳар бир тил асосида гўё муайян тарх (чизма, тасвир), ўзига хос бичим (андоза) ётади. Тилнинг шу типи, бичими ёки структур «руҳи» унинг фундаментал хусусиятини ташкил этади [Қаранг: Сепир 1934: 94]. Бундан ташқари, тилларнинг структур типлари тушунчаси ҳам нисбий. Чунки соф синтетик тил ҳам, соф аналитик тил ҳам йўқ. «Тил, – деб ёзади Э.Сепир, айни пайтда ҳам агглютинатив, ҳам флектив ёки флектив ва полисинтетик ёки, ҳатто, полисинтетик ва изоляцияловчи бўлиши мумкин» [Сепир 1934: 96]. Шунга асосланиб, тил – бу барча сатҳларда бир пайтда мавжуд таркибий-мазмуний шакллар турли типларининг мажмуидир, дейиш мумкин. Бинобарин, тил тизимидан фақат синтетик ёки аналитик унсурларни излаш нафақат ўқувчининг қиёсий типологияга доир билимларини чалкаштириб ташлайди, шунингдек, таълим жараёнини боши берк кўчага бошлаб келади.

Тил айрим сатҳларининг ўзаро узвий алоқаси шу сатҳларнинг типологик хусусиятларини белгиловчи асосий омил эмас. Чунки бу хусусиятлар она тили ва чет тилда муштарак бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, аналитик қурилишли деб аталувчи тиллар (француз, инглиз ва б. тиллар) фақат соф синтактик белгиларига кўра шундай тиллар сифатида тавсифланиши мумкин. Бундай тилларда гап ҳосил қиладиган сўзлар орасидаги муносабат сўзларнинг ўзида эмас, балки ёрдамчи воситалар билан ифодаланади. Уларда сўзлар яқка ҳолда (яккаланиб, тегишли унсурларсиз бошқа сўзлар билан алоқага кириша олмасдан) қўлланишлик хос. *«Чем выше степень изоляции, тем выше аналитичность языка. Нарастание изоляции ведет к нарастанию аналитичности языка. Существующие же в английском языке аналитические формы нарушают принцип изоляции, поскольку в них, как и во флективных синтетических формах, с которыми они составляют парадигму, выражаются отношения слов друг к другу: например, I have finished и he has finished. Аналитичность английского языка создается не за счет развития в нем аналитических форм, а за счет нарастания изоляции, т.е. невыраженности в словах их связи с другими словами»* [Солнцев 1965: 84]. Яна қиёсланг: *«В аналитическом языке первенствующее значение выпадает предложению, слово же представляет меньший интерес... язык может быть «аналитичным» под одним углом зрения, «синтетичным» – под другим..., термины эти более полезны для определения*

некоторых линий движения языка, нежели в качестве абсолютных показателей» [Сепир 1934: 100].

Келтирилган иқтибослардан аналитизм, асосан, синтактик сатҳнинг типологик хусусияти эканлиги англашилади. Синтетизм эса ўзига хос типологик қонуният сифатида морфологик сатҳда ҳам, синтактик сатҳда ҳам кузатилади. Бинобарин, тилнинг умумий типологиясини яратиш, энг аввало, унинг грамматик (морфологик ва синтактик) сатҳи типологик хусусиятларини аниқлашдан бошланмоғи лозим.

Ўқитувчи эътиборини қаратиш лозим бўлган нарса, бу ҳар қандай типологик тадқиқотнинг асосий мақсади тизим, тагтизим ва микротизимларни, уларнинг ясалиш қолиплари, қўлланиш меъёрларини барча сатҳлар бўйича бир тил доирасида ҳам, икки ёки ундан ортиқ қардош ва ноқардош тил доирасида ҳам қиёслаб ўрганиш лозимлигидир. Бу фикрни атоқли тилшунос С.Д.Кацнельсон шундай ифодалаган эди: *«Основную задачу типологического изучения языка следует видеть не непосредственно в создании классификации языков, не в разработке языка-эталона, не в математизации, а в выявлении основных закономерностей и взаимоотношений фрагментов в структуре языка... Типологическое изучение языков – это основной метод общего языкознания, а основная задача языкознания заключается в том, чтобы изучить закономерности, определяющие связи между различными элементами структуры языка»* [Кацнельсон :75-76].

Таълим самарадорлиги тилларнинг генетик, географик ва типологик таснифлар, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар, қиёслаш ва типологик тилшунослик, тиллараро муштарак ва фарқли томонлар, ҳар иккала тил меъёрлари, қиёсий-типологик тадқиқот методлари, асос (эталон) тил ҳақида муайян тасаввурга, амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади.

Маълумки, типологик тадқиқотлар дастлаб қардош бўлмаган тилларни қиёслаб ўрганиш ва шу асосда уларнинг морфологик таснифини ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилган. Бу, албатта, муҳим натижаларга олиб келди ва ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бироқ тиллар қурилишидаги тафовутларни фақат уларнинг келиб чиқишида ҳар хилликлар бўлганлиги билан асослаб бўлмайди. Чунки қардош тилларда ҳам фарқли жиҳатларни истаганча топиш мумкин. Масалан, француз, инглиз, немис каби яқин қардош тилларнинг турланиш ва тусланиш тизимларида, сон, жинс категориялари, гап тузилиши ва бошқаларда маълум тафовутлар ёки, аксинча, келиб чиқишига кўра бир-биридан жуда узоқ ўзбек ва француз тилларида эса қатор таркибий, мазмуний, вазифавий муштаракликлар мавжуд. Кейинги ҳолатни биз ўзбек ва француз тилларининг исталган сатҳида кўришимиз мумкин. Бурун товушлари тизимида, битишув йўли билан ҳосил қилинадиган атрибутив сўз бирикмалари, мураккаб замон шаклларининг келиб чиқиши, тузилиши ва қўлланишида маълум ўхшашликлар мавжуд. Бунга қуйидаги иқтибосдан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин: *«Подобно тому, как схожие социальные, экономические и религиозные установления выросли на разных концах мира из различных исторических antecedentов, так и языки, идя разными путями, обнаруживали тенденцию совпасть в схожих формах. Более того, историческое изучение языков вне всяких сомнений доказало нам, что язык изменяется не только постепенно, но и последовательно, что он движется бессознательно. От одного типа к другому и что сходная направленность движения наблюдается в отдаленных уголках земного шара. Из этого следует, что неродственные языки сплошь да рядом самостоятельно приходят к схожим в общем морфологическим системам. Поэтому, допуская наличие сравнимых типов, мы вовсе не отрицаем специфичности отдельного исторического процесса; мы только утверждаем, что позади внешнего хода истории действуют могущественные движущие силы, направляющие язык, как и другие продукты социальной жизни, к определенным моделям, иными словами, к типам. Мы, как лингвисты, удовлетворены констатированием того, что эти типы существуют и что некоторые процессы в жизни языка направлены к их изменению. Почему же образуются схожие типы и какова природа тех сил, которые их создают и разрушают?»*. Акад. Н.Я.Марр аллақачон Э.Сепирнинг бу саволига жавоб берган: муайян тил табиатини тушуниш учун уни қардош тиллар гуруҳида ўрганиш, қардош тиллар гуруҳи характерини чуқурроқ тушуниш учун эса уни ноқардош тиллар билан қиёслаб ўрганиш лозим [Иқтибос И.И.Мешчаниновники: 9].

II. Тил таълими ва таржима масаласи. Чет тил бошқа тил (лар) билан қиёслаб ўрганилганда унинг доирасидан чиқишга тўғри келади. Бироқ бунда бир тилга иккинчи тилга хос категория ва қонун-қоидаларни юклашдан тийилиш керак. Акс ҳолда, илк француз тилида лотин тилига хос уч жинс, олти келишк қайд этилмаган бўларди. Бу ҳолат ҳозир ҳам кузатилади. Масалан, ўзбек тилининг деярли барча сатҳларида рус тили таъсирида кириб қолган унсурлар кўплаб учрайди: рус тилидаги *и* ҳарфи билан ўзбек тилидаги *і* бир хил товушни ифодаламайди. Айрим ҳолатларни, масалан, *икки* сўзидаги биринчи *и* ни ҳисобга олмаганда, улар батамом бошқа-бошқа товушлардир: қиёсланг: *идти, ивовый, иглистый, идея, изба; иқлим, иқбол, истак, истиқлол, илтифот, илтимос* ва б. Бу ҳолат ўзбек тили таълимига, уни иккинчи (чет) тил сифатида ўрганаётган талабалар талаффузига, бинобарин, сўз маъносини тўғри тушуниш ва шарҳлашга жиддий путур етказди. Бунинг олдини олиш учун ё тегишли (сатр остида) қисқартмалар бериш ёки янги шакл кашф этиш лозим. Бунга фақат ўрганилаётган тилларни чуқур ва холис қиёслаш йўли билангина эришиш мумкин.

Бинобарин, қиёсий типологиянинг иккинчи мақсади унинг натижаларидан тил таълимида фойдаланишдир. Табиийки, бунда тилларни қиёслаб ўрганиш асносида қўлга киритилган далиллардан истифода этилади. Шу тарзда фанлараро ҳамкорлик, ўзаро узвий муносабат юзага келади.

Чет тил таълимида асос (эталон) тил сифатида қайси тилни (чет тил ёки она тилини) танлаш масаласи мунозарали. Мана бу борада билдирилган мўътабар фикрлардан бири: *«При любом сравнении необходимо основание для сравнения. При сопоставлении фактов двух языков можно в качестве языка-основания избрать любой их этих языков. Например, французский и русский языки можно сопоставлять, беря за основу либо французский, либо русский язык. Сопоставительное описание при этом будет значительно различаться. Например, если исходить из французского языка как основы сопоставления, то важно подчеркнуть, какими средствами располагает русский язык для передачи значений, выражаемых французскими артиклями. Если же за основу сопоставления принимать русский язык, то важно показать, какие средства имеются во французском языке для передачи значений русских видовых форм»* [Гак 1987: 28].

Бу ерда проф В.Г.Гак, табиийки, тилларни лингвистик мақсадларда қиёслашни назарда тутмоқда. Лингводидактикада қиёслаш асоси қилиб чет тилни танлаш лозим. Чунки бир тилни бошқа тил бирликлари билан ўрганиш қандай бадбуруш тилни юзага келтириши мумкинлигини айнан шу йўл воситасида кўрсатиб бериши мумкин. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун талабага яхши таниш тилни ўзга тил категориялари билан тавсифлашни кўз олдига келтиришнинг ўзи кифоя. Таржима нафақат қиёсий типологиянинг, шунингдек, лингводидактиканинг ҳам муҳим таркибий қисми. Таржима: а) *фаолият тури* ва б) *шу фаолият маҳсули* сифатида идрок этилсагина, юқоридаги мулоҳаза тушунарли бўлади. Таржиманинг дуалистик характерда эканлигидан далолат берувчи турлари устида бу ерда тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Шу боис таржиманинг биринчи тури қиёслашда ҳам, таълимда ҳам қўлланиши ижобий натижалар бериши мумкинлигини қайд этиш билан чегараланамиз.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам чет тилни чуқур билиш, таржима учун танланаётган матнларнинг лисоний хусусиятларини мақсадли танлаш талаб этилади. Чунки фанда ҳам, таълимда ҳам вақт ўтиши билан фонетик, лексик ва грамматик тамойили, тушунча ва меъёрлар ўзгариб боради.

Аслида бир тилдан иккинчи тилга таржима (яъни фаолият) бир тил доирасида матн мазмунини бошқа сўз сўзлар билан баён қилишни эслатади. Чунки таржимада ҳам, матн баёнида ҳам ифода шаклини эмас, балки мазмунини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Таржима фаолият маҳсули сифатида чет тил ва она тилида битилган ва ўзаро мазмунан муштарак икки матн шаклида намоён бўлади. Бунда муқобиллик, айниқса, мазмуний муқобиллик таржима жараёнининг асосий тушунчаси ҳамда воситаси бўлиб хизмат қилади.

Таржима илми ва амалиётида *вербал* (лингвистик, сўз билан ифодаланган) таржима ҳамда *новербал* (экстралингвистик, сўз билан ифодаланмаган) таржималарни фарқлаш керак. Бироқ таржиманинг бу турлари, кўпинча, биргаликда, бир пайтда амалга оширилади. Чунки гапнинг маъносини тўғри таржима қилиш учун: а) матн контексти ҳамда б) «вазият контексти» (термин Фёрсники [Фёрс 1962]) юзага келтирган вазият (ситуациялар пресуппозицияни фарқлаш керак (пресуппозиция ва унинг турлари ҳақида қаранг: [Гак 2000: 481-983]). Агар контекст гап маъносини тушунишга ёрдам берса, ғайрилисоний вазият мазкур гапда тасвирланган ҳаракатнинг қандай шароитларда содир бўлганлигини кўрсатади. Масалан, *Талабалар амалиётда* гапи мактаб, дала, касалхона, банкир хонаси, жанг майдони каби вазиятларга қараб, турлича маъно касб этади.

Бир тилдан иккинчи тилга таржимани шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: *назарий босқич*, *тайёрлов* (тайёргарлик кўриш) *босқичи* ва *машғулот босқичи*. Назарий босқич талабада таржима, унинг турлари ҳақида маълумот беришни, тайёрлов босқичи таржима кўникмаларини ҳосил қилиш учун лозим бўлган сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришни, машғулот босқичи эса таржимадан таълим мақсадида фойдаланишни назарда тутди. Таржиманинг бу босқичлари чет тил таълимидаги а) умумий, б) хусусий, в) махсус тамойиллар доирасида амал қилади [Таълимнинг мазкур тамойиллари ҳақида қаранг: Ляховицкий 1981: 34-39].

Тилларда кузатиладиган умумийликлар (универсалиялар) таълимда қийинчилик туғдирмайди ва улар талаба томонидан ғайришуурий тарзда қабул қилинади ҳамда идрок этилади. Хусусий ва хос унсурлар таълим учун энг мураккаб бирликлар ҳисобланади. Моҳиятан тил таълими кейинги икки ҳолатни ўқитишга бориб тақалади. Шунинг учун асосий эътибор она тилида бўлмаган чет тил ҳодисаларига қаратилиши керак. Бу фикрни лўнда қилиб, Р.Ладо шундай ифодалган эди: «Она тилида бўлмаган нарсани ўқитиш керак, чунки бор нарса – бу маълум нарсадир» [Lado 1958: 7].

Чет тили таълими она тили асосида олиб борилаётганда асосий мақсад қиёсланаётган тилларни тўлиқ тавсифлаш эмас, балки чет тилни ўрганаётган талаба (ўқувчи, тингловчи, сўзловчи) учун муайян қизиқиш уйғотадиган ёки қийинчиликлар туғдирадиган асосий категорияларни таржима қилиш ва она тили таъсирини (интерференцияни) чеклаш тушунчаларни таълим жараёнига олиб кириш керак [Қаранг: Hall 1966; Зильберман 1972: 20-33].

Юқорида баён қилинганлар қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Типологик тадқиқотда нафақат тизим, тагтизим, микротизим унсурлари, шунингдек, лексик-грамматик бирликларнинг ҳосил бўлиш усул ва алоқалари ҳам қиёсланиши мумкин.

2. Типологик тадқиқотлар яқин қардош, кейин қардош ва ундан кейин ноқардош тилларни қиёслаш йўлидан бориши мақсадга мувофиқ.

3. Тилларнинг тузилишига кўра ўзига хослигини аниқлаш, бир томондан, уларнинг типологик таснифини яратиш ва такомиллаштириш учун мустаҳкам назарий ҳамда амалий материал берса, иккинчи томондан, тил таълими самарадорлигини кескин ошириш имконини ҳам юзага келтиради.

4. Қардош тиллардан ўхшашликларни, ноқардош тиллардан тафовутларни излаш ғайришуурий бир ҳаракат бўлиб, тил илми ва таълимига деярли ҳеч нарса бермайди. Чунки қардош тиллардаги ўхшашликлар *табиий*, ноқардош тиллардаги ўхшашликлар эса *нутқий* жараён ҳосилаларидир.

5. Таржима нафақат таълим самарадорлигини оширади, шунингдек, талабани, янги билим ва кўникмалар билан бойитади, унда фикрлаш, қиёслаш ҳиссини шакллантиради.

6. Талабани она тилида бўлмаган категория тушунчаларга ўргатиш самарали усул кўринади. Бунда интерференцияга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

7. Чет тил таълими асосини коммуникатив метод эмас, сатҳлари бирликларни чуқур ўргатиш ташкил қилади. Чунки тил қонун-қоидаларини билган талабагина ўрганилаётган тилда бемалол мулоқот қила олиши (коммуникатив жараён иштирокчиси

бўлиши) мумкин. Бу назария билан амалиёт муносабтини эслатади. Бинобарин, назарий билимларни бермасдан туриб, амалий кўникмаларни ҳосил қилиш жуда қийин. Бунга фақат оила муҳитида (шунга яқин ёки ўхшаш шароитда) эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан амалдаги дарслик ва қўлланмаларни олдингилари билан қиёслаб ўрганиш турли баҳс-мунозараларга аниқлик киритиши мумкин. Агар ҳам бетимсол тилшунос ва ҳам беназир методист бўлган акад. Л.В.Шчерба чет тил таълимида лингвистик аспект етакчи, методика татбиқий (прикладное) тилшуносликдир деган гапларини унутмаган бўлсак, айти фикрнинг холислигига ҳам гумон қилмаса бўлади.

Ушбу мақола обзор характерида бўлиб, унинг мақсади тилшунос, лингвометодист, ўқитувчилар эътиборини чет тил таълимида синалган усул ва тамойилларга қаратишдан иборатдир. Шунингдек, унда тилшуносликка мойил чет тил ўқитувчиларини ва лингвометодикага қизиқадиган тилшуносларни мақола мавзуси билан боғлиқ масалалар устида изланишга даъват ҳам бор. Чунки таълим мақсад ва вазифалари шу даражада ранг-баранг ва мураккаб, уларни фақат турли (тилшунослик, рухшунослик, лингводидактика ва б.) соҳа вакиллари ҳамкорликдагина ҳал қилишлари мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. 3-е издание, доработанное. М.: Просвещение, 1989.
2. Зильберман Л.И. Интерференция языков и методика преподавания иностранного языка на основе родного// Сб.: «Преподавание иностранных языков и его лингвистические основы». М.: Наука, 1972.
3. Кацнельсон С.Д. Основные задачи лингвистической типологии // Сб. «Лингвистическая типология восточные языки». М., 1965.
4. Мещанинов И.И. Общее языкознание. К проблеме стабильности слова в предложении. Л., 1940.
5. Сепир Э. Язык. Инглиз тилидан таржима. М., 1934.
6. Скаличка В. О современном состоянии языка // Сб. «Новое в лингвистике», III. – М., 1963.
7. Фёрс Ж. Техника семантики // «Новое в лингвистике». М., 1962.
8. Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков. М.: Высшая школа, 1981.
9. Hall P.A. A new way to teaching a foreign language. USA, 1966.
10. Lado R. Linguistics across cultures. Ann Arbor, 1958.